ТАРИХИЙ ДАВРЛАРДА БОЛАГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ

Раимберди Кудратуллоевич Хайтметов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бола психологияси тарихи, унинг ривожланиш босқичлари даврлаштирилиб ёритилган ва ҳар бир даврнинг йирик олимларининг қарашлари ва асарлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтилган. Шу билан бирга бола тарбияси ва психологиясига жамиятимизда бўлган муносабатлар ҳам кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: психология, педагогика, ақл, физиология, ахлоқ, хулқ, эмперика, психофизиология.

ATTITUDE TOWARDS A CHILD IN HISTORICAL PERIODS.

Raimberdi Kudratulloevich Khaytmetov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article chronicles the history of child psychology, its stages of development, and gives a brief overview of the views and works of the great scientists of each period. At the same time, the attitude of our society to the upbringing and psychology of children is also considered.

Keywords: psychology, pedagogy, mind, physiology, ethics, behavior, empiricism, psychophysiology.

КИРИШ

Бола руҳияти, руҳшунослик фанлари ривожланишига қарамай ҳозирги 21-асрда ҳам жумбоқлигича қолмоқда десак хато бўлмайди бизнингча. Чунки бола психологияси тез-тез ўзгариб турувчи феномен ҳисобланади. Бола ўзлаштириш қобилияти ва ёки ўзлаштириш даражаси фақатгина ақлий қобилиятига боғлиқ бўлмай, унда боланинг психик ҳолати ҳам, ўзига хос ўринга эга. Ушбу мақолани ёзишдан мақсад эса ушбу соҳанинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларини қисқача кўриб чиқишдир.

АДАБИЁТЛАР ИАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу соҳанинг вужудга келиши антик (қадимги) юнон файласуфларидан бири бўлмиш Гераклит[1] билан боғлиқдир. Айнан у биринчи марта жоннинг ривожланиши ҳақида ўз назариясини илгари суради. Унинг фикрича жон (инсон психикаси) пайдо бўлади, ривожланади ва нобуд бўлади. Гераклитнинг айтишича эса инсон ана шу жонни ҳеч қачон тўлалигича билолмайди. Чунки уни билиш ақлга хос эмас. Демак кўриниб турибдики Гераклит жон билан ақлни алоҳида ҳодиса сифатида тасаввур қилган.

Боланинг ижтимоийлашуви ва ахлоқий ривожланишини эса биринчи марта илмий ўрганган олим қадимги юнон файласуфи Протагордир.[2] Унинг назарияси релятивизимга асосланган бўлиб ҳамма нарсанинг нисбати инсондир дейди. Яъни унинг фикрича ахлоқ ҳам ва ёки боланинг хулқ-атвори ҳам нисбийдир. Чунки ҳар бир ҳаракат икки томонлама баҳоланади. Битта ҳаракатнинг ўзи кимгадир яхшилик ва кимгадир ёмонлик бўлиши мумкин албатта. Шу билан бирга у “биринчи марта болага тизимли таъсир ўтқазиш орқали унинг хулқ-атворини яхшилш мумкинми деган саволни қўяди. Пратагорнинг айтишича боланинг табиий ривожланиши агар унга таъсир ўтқазмасак *(бу ерда гап бола тарбияси ҳақида бормоқда)* яхшиликка қаратилган бўлмайди”. Юқоридаги Протагор сўзларидан ҳам болани яхшиликка ўргатиш лозим деган хулосага келиш унчалик қийин эмас албатта. Бу қараш ҳозирам ўз кучини юқотмаган бўлиб, биз ўқитувчилар ва ота-оналарга катта масъулият юклайди. Лекин афсуски жуда кўп ота-оналар Протагорнинг сўзларига қўшилмай яшаб келмоқдалар. Сабаби улар бола ўз-ўзидан тарбияланиб қолади деб уйлаб, уларнинг ижтимоийлашишига ёки ахлоқий ривожланишига ўз ҳиссаларини қушишга вақт ва масъулият топа олмаяптилар. Бу эса ўз навбатида жамиятимиз ривожланишига ўз таъсири ўтқазмай қуймайди албатта.

Антик юнон файласуфларидан Сократ, Платон, Аристотель[3] ва яна бир қатор файласуфлар бола психологияси ҳақида турли назарияларни илгари суришди. Сократ комил инсонни тарбиялаш борасида бола психологияси билан дуч келган бўлса, Платон ўзининг идеалистик қарашларида инсон руҳи билан дуч келди. Аристотель эса боланинг руҳий тарбиясида санъатнинг ролини

[1] Гераклит Блосон ўғли милоддан аввалги 544-480 йилларда қадимги юнонистонда яшаб ижод қилган. Унинг таълимотининг марказида “логос” ва “диалектика” атамалари ётади. У замонасининг жуда машҳур файласуфларидан бири бўлган. “Табиат ҳақида” номли асаридпн 145 парча етиб келган.

[2] Протагор милоддан аввалги V асрнинг 80-йилларида туғилган. У қадимги юнон софистика мактабининг асосчиси ва йирик намояндаларидан бири бўлган.

[3] Сократ, Платон Аристотель милоддан аввалги V-IV асрлар антик юнон мумтоз даврининг энг машҳур фигураларидир. Улар антик давр мумтоз файласуфларидир.

беқиёс деб ҳисоблади. Аристотельнинг фикрича мусиқанинг роли бунда беқиёсдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бизга тарих фанидан маълумки ўрта асрлар бевосита диний қарашлар доминантлик қилган даврдир. Ушбу қараш албатта психология соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтқазади ва бунинг оқибатида бу давр бола психологиясига бўлган қарашлар бирмунча антик давр юнон файласуфлари қарашларидан кескин фарқ қилади. Чунончи бу даврда яшаб ижод қилган теологлар инсонни ўз-ўзини билишга ва ушбу билим ёрдамида Худони билишга ундашади. Ўз-ўзидан маълумки бу даврда инсон руҳи унинг ақлидан юксакроққа кўтарилади. Масалан ўрта асрлар асосчиларидан бири бўлмиш Аврелий Августиннинг[4] айтишича: “Инсон танаси унинг жони ёрдамида бошқарилади. Ушбу бошқарув эса ирода асосида содир бўлади. У бу таълимотини ихтиёрийлик (валюнтаризм) асосида қўрган бўлиб, кейинчалик бу йўналиш алоҳида йўналиш сифатида ривожланади”. Бир сўз билан айтган унинг психология борасидаги қарашларининг асосида эътиқод ётар эди. Бу даврда нафақат психология, балки, барча фанлар эътиқодга ва ёки динга буйсундирилгандир. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки уша даврдаги психологик қарашлар фаталистик асосга эга эди.

Юқоридаги инсон руҳи борасидаги қарашлар фақатгина Ғарблик олимларга тегишли эди албатта. Қўйида эса биз қисқача Шарқлик олимларнинг қарашларига қисқача тухталиб ўтамиз.

Авероизм йўналишининг асосчиси, қолаверса Аристотель фалсафаси давомчиси бўлмиш Ибн Рушднинг [5]айтишича. Агар инсон танаси нобуд бўлса, унга қушилиб индивидуал руҳ ҳам нобуд бўлади. Бу фақатгина индивидуал тана ва руҳга тегишли бўлиб, умумий тана ва руҳга тегишли эмас. “Шунингдек, нарсаларнинг табиатини, шу жумладан инсон руҳини экспериментал ўрганиш мумкин ва уларнинг ҳар бири билим (имконият)га эгадир. Ибн Рушд одамларнинг ҳақиқатни англашдаги асосий имкониятлари чексиз эканлигини ва болаларнинг тўғри фикрлашга ўргатиш, уларга фикр юритиш истагини сингдириш муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди”. Яна Шарқ вакилларидан ёшга оид психофизиология билан тарихда илк бора

[4] Аврелий Августин 354-430 йиллар яшаб ижод қилган. Унинг назарияси скептицизмга қарши қаратилган бўлиб догматизмга асослангандир. Унинг қарашларини христианлик мистицизми асосида ўрганишади.
[5] Ибн Рушд Абдувалид Муҳаммад 1126-1198 йилларда яшаб ижод қилган. Унинг қарашлари Аристотель назариясига асосланган бўлиб “олам абадий” деган назарияга асосланади. Яна унинг қарашларининг марказида ўз замонасига хос бўлмаган ҳурфикрлилик ётади.

шуғулланган Ибн Синони ҳам келтиришимиз мумкин албатта. У илк бор бола руҳий ҳолатининг ўзгаришини, унинг организмига боғлаб тушунтириб берди. Ва унинг қарашларидан ҳозиргача медицина вакиллари, психологлар ва биз педагоглар унумли фойдаланиб келамиз. Яъни болага таъсир ўтқазишда ва ёки дарс беришда унинг ёшини ва руҳий ҳолатини албатта ҳисобга оламиз.

Ўрта асрлардан кейин ўйғониш даврида болага нисбатан муносабат давр талабидан келиб чиққан ҳолда гуманистик бўлган. Гуманистик қараш соҳиблари томонидан, хусусан: Роттердамлик Эразмнинг[6] рағбат назариясига кўра бола тарбиясида, ўрта асрларга хос бўлган авторитар методда эмас, балки, гуманизм асосида ҳаракат қилиш лозимдир. Чунки айнан рағбатлантириш методи орқали муносабатда бўлиш бола руҳига ижобий таъсир қилади ва унинг дарсга қизиқиши ҳамда яхшироқ ўзлаштиришга ундайди. Айнан мана шу замонда педагогикада бола индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиш тамойили ишлаб чиқилган бўлиб[7], ҳозиргача амал қилиб келинмоқда. Яъни боланинг касб танлашида унинг индивидул қобилияти ва қизиқишларни ҳисобга олиниши, унинг ўзлаштириш даражасини ошишига, натижада унинг сифатли кадр бўлиб етишишига кўмаклашади. Бунда асосий масъулият бугунги кунда боланинг ота-онаси, синф раҳбари, мактаб психологи ва қолаверса у қизиқадиган фан ўқитувчисига тушади. Айнан улар боланинг келажакда қандай мутахассис бўлишини ҳал қилади десам хато бўлмаса керак. Шу жойда яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки болага гуманизм тамойили ила ёндашув бошланғич синф ўқитувчиларга ҳам боғлиқдир. Чунки ҳар биримизни илм дунёсига олиб кирувчи зот бу бошланғич таълим ўқитувчиларидир.

Янги давр қарашлари ренесанс гуманизмининг махсули сифатида дунёга келди. Янги давр психологияси албата ўзининг илмий асосланган қарашлари билан ўзидан олдинги замонлардан фарқ қилади албатта. Бу даврнинг асосий талаби фақатгина эмперика яъни илмий тажрибага асосланган билимларни факт сифатида қабул қилишдан иборат эди. Ушбу давр вакили бўлмиш **Христиан Вольф**[8] ўзининг “Қобилиятлар психологияси” номли асарида инсон қобилияти ва қизиқишлар асосини ўрганади ва ушбу асари орқали Европа

[6] Асл исми Герхардт Герхарде бўлган Роттердамлик Эразм 1469-1536 йилларда яшаб ижод қилган. Унинг қарашларининг марказида Христианлик догмаларини рад этиш ва гуманизм ғоялари ётади. У ўз замонасининг машҳур теологи бўлган.

[7] 1559 йилда Вютенберг мактабида илк бор таълим ёрдамида болага қувонч олиб келиш ҳамда таълим тизимида болага билиб беришда унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш тўғрисида қонун қабул қилинади.

[8] Христиан Вольф 1679-1754 йилларда яшаб ижод қилган. Ўз замонасининг буюк математики, файласуфи ва табиатшуноси бўлган. Унинг қарашларининг марказида метафизик теологизм, дедуктив рационалистик назариялар ётади.

илмий доирасига психология атамасини киритади. Унгача бу тушунча турли атамалар ёрдамида ўрганилган эди.

Умуман янги давр олимлари бола ақлий ва психик ривожланишини ташқи таъсир ва ёки атроф-муҳит билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Уларнинг камчилиги замонамизнинг буюк рус олимаси Татьяна Давидовна Марцинковскаянинг айтишича “бу замон олимлари болага пассив мавжудот сифатида қараганлар. Ва катталар болани худдики юмшоқ лой сингари ўз тарбиявий усуллари билан хоҳлаган шаклга кирита оладилар”. Аслида эса олиманинг фикрича бола психологияси мураккаб жараён бўлиб унинг шаклланиши ҳамма вақт ва тўлиқ ташқи муҳит билан боғлиқ эмас. Шу уринда биз субъектив омилларни ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз лозимдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда болага бўлган муносабат давр парадигмасидан келиб чиқилган. Яъни давр тафаккур даражаси бола тарбиясини ҳал қилган. Чунки ҳар қандай жамият ёш авлодни ўзига ухшатиб тарбиялашни хохлайди. Ёки психологик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак ҳар қандай установка жамият дунёқарашига боғлиқдир. Мана шу масалада кўпинча авлодларнинг ғоявий кураши келиб чиқади. Ёшлар ва катта авлод уртасида бу курашнинг ғолибини эса давр парадигмаси аниқлаб беради.

REFERENCES

1. Марцинковская Т.Д. История детской психологии. — М., 1998. С-12.
2. Бертран Рассел. История западной философии и ее связи с политическими и социальными условиями от античности до наших дней : Пер. с англ. / Б. Рассел. – М.: Акад. проект, 2000. – 398 с.
3. Гайденко П.П. История новоевропейской философии в ее связи с наукой.- “М.: ПЕР СЭ; СПб.: Университетская книга”, 2000.-8 с
4. А.И. Кравченко, В. Ф. Анурин. Социология. Учебник для вузов. - Питер.: 2008. С 54-55.
5. М.Вебер. Асосий социоллогик тушунчалар. М.Левин таржимаси. – Танланган асарлар. – М.: 1990. – Б.202.
6. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Т.: 2004. Б- 610-611.
7. Энтони Гидденс. Социология. Т.: 2002. Б – 318.
8. Хайтметов, Р. (2020). Иммануил Кант фалсафасида олам ва одам муаммоси. *Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси*, *5*, 71-74.
9. Золотых, Н. В., & Хайтметов, Р. К. (2020). Условия формирования компетентности будущего педагога в личностно-развивающей воспитательной деятельности. Academic Research in Educational Sciences, 1(2), 113-119.